

«СИРҒАЛИ ДЕХҚОН БОЗОРИ» АЖ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМЙЙ ЙИҒИЛИШ
БАЁНИ

2024 йил 08 апрел

Тошкент шаҳар.
соат 12 -^{оо}да

Овоз берувчи акциялар сони: 650 000

Акциядорларнинг 2023 йил молиявий фаолияти якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Сергели тумани, Сергели 6-мавзеси, Янги Сергели манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2024 йил 08 апрел куни ўтказилди. Йиғилишда 621067 овозга эга акциядорлар қатнашди, бу жами акциядорларнинг 95.54 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Жамият устав жамғармасининг 95.53 % га эгалик қилувчи Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази”нинг 04.04.2024 йилдаги № 01-01/1122-сонли ишончномага асосан, Тошкент шаҳар ҳокимиятига тегишли, марказ бошқарувига берилган барча акциялар билан ҳокимият ва марказ манфаатини ифодалаш учун ишончли вакили этиб, “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКнинг “Дехқон бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бўлим бошлиғи Шамансуров Шоаброр Шамахкамович қатнашди.

Йиғилишда қатнашганлар:

М.М.Шамансуров – “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКнинг “Дехқон бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бўлим бошлиғи.

Э.А.Файзиев – «Сирғали дехқон бозори» АЖ директори в.б

Реестр бўйича акциядорлар сони 231 та. 650 000 овоз. Бошқа тегишли мутассадди ходимлар, жамиятнинг акциядорларининг 621067 овоз билан қатнашиб, йиғилиш ўтказиш учун қворум 95.54 % ни ташкил этди.

Йиғилишда раисликни кузатув кенгаши аъзоси Ш.Ш.Шамансуров олиб борди.

Ш.Ш.Шамансуров йиғилиш ўтказиш учун қворум 95.54 % бўлганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга қўйди.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.

Йиғилишга котиб этиб, Э.Б.Кучаров номзоди таклиф этилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, йиғилиш раиси Ш.Ш.Шамансуров йиғилишга санок комиссияси сайлаб олиш лозимлиги ҳақида айтиб, санок комиссияси номзодлигига таклиф этилган В.Норкулов, Э.Б.Кучаров ва Н.Нигматжановаларни овозга қўйди.

Санок комиссияси юқоридаги таркибда бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси Ш.Ш.Шамансуров умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қилди:

1. Жамият ижро органи ва Кузатув кенгашининг йиллик ҳисобот, жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;

2. Жамиятнинг 2023 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти якуни юзасидан ташиқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиш;

3. Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

4. Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варағини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

5. Жамиятнинг 2024 йилга мўлжалланган “Бизнес режаси”ни ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси”ни тасдиқлаш;

6. Жамият директорини сайлаш;

7. Жамият Кузатув кенгашини сайлаш;

8. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;

9. Жамиятнинг 2024 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш;

10. Жамият таъкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш.

Йиғилиш раиси Ш.Ш.Шамансуров кун тартибидаги масалаларни муҳокама этиш учун овозга қўйди. Ушбу таклиф йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, йиғилиш катнашчилари томонидан кун тартибидаги масалалар юзасидан регламент қўйидагича бўлиши ҳақида келишиб олинди.

Биринчи масалага 10 минут, колган масалаларга 5 минут, муҳокамада сўзга чикувчилар учун 3-5 минутдан вақт берилиши келишиб олинди.

Санок комиссияси томонидан йиғилиш муҳокамасига қўйилган масалалар юзасидан бюллетенларга овоз бериш қай тартибда амалга оширилиши ҳақида тушунча берилди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан мажлис раиси Ш.Ш.Шамансуров сўзни жамият директори в.б Э.А.Файзиевга берди.

Э.А.Файзиев сўзга чиқиб, «Сирғали деҳқон бозори» АЖнинг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича қуйидагиларни маълум қилди:

«Сирғали деҳқон бозори» АЖнинг молиявий хўжалик фаолиятини 2023 йилга мўлжалланган бизнес режаси ва жамиятнинг 2023 йилги даромадлар ва харажатлар сметасининг 12 ойлик якунлари бўйича жамият режалаштирган даромадлар қисмининг барча бандларини бажарилганлиги лекин айрим қисми бажарилмаган.

Шундан;

Жой ҳақи режаси 2 466 606.0 минг.сўм, амалда 2 475 999.0 минг.сўм, режага нисбатан 9 393.0 минг.сўмга кўп яъни 100.37 (%) фоизга бажарилди. Хизмат ҳақи режаси 860 823.0 минг.сўм, амалда 850 738.0 минг.сўм, режага нисбатан -10 086.0 минг.сўмга кам бажарилди шунда: Автотўхташ жойи режаси 684 746.0 минг.сўм, амалда 684 746.0 минг.сўмга бажарилди, арава хизмати режаси 76893.0 минг сўм, амалда 75952.0 режага нисбатан -941.0 минг сўм кам бажарилди, қоровул хизмати режаси 81699.0 минг сўм, амалда 81718,0 режага нисбатан 19,0 минг сўм кўп бажарилди.

Ижара ҳақи режаси 680151.0 минг.сўм, амалда 685905.0 минг.сўм, режага нисбатан 5757.0 минг.сўмга кўп яъни 100.84 %га бажарилди. Инфратузилма даромади режаси 269696.0 минг.сўм, амалда 282762 минг.сўм режага нисбатан 13066.0 минг сўмга кўп яъни 104.84 %га бажарга бажарилган. Жами даромадлар режаси 4 277 277.0 минг.сўм, амалда 4 326 529.0 минг.сўм, режага нисбатан 49 252.0 минг.сўмга кўп яъни 101.15 % га бажарилганлигини айтиб ўтди.

2023 йил бўйича соф фойда режаси 1 136 366,0 минг.сўм режалаштирилган бўлса, амалда 656 629,0 минг.сўм, режага нисбатан -417 509.0 минг.сўм. кам бажарилди. *(сабаби жамият харажатларини нотўғри режалаштирилган ҳисобига соф фойда тўлиқ бажарилмаган)*

Жамият директори Э.А.Файзиев ўз сўзини давом эттириб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли қарорида “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш ва қўллаш ҳамда тақдим этилган рақамларга асосан 2022 йил якунлари бўйича олинган СЙК (КПЭ) = 102.3 % ташкил этаётганлиги боис ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги, белгиланган норма кўрсаткичларига асосан, яхши даражада деб топишганлиги тўғрисида ахборот бериб ўтди.

Кун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш раиси Ш.Ш.Шамансуров сўзга чиқиб, жамият Кузатув кенгашининг 2023 йил мобайнида олиб борган фаолияти бўйича батафсил тўхталди. Жамият низомига мувофиқ жамиятни 2023 йилга тасдиқланган йиллик бизнес – режа бажарилишининг бориши тўғрисида жамият ижро этувчи раҳбарининг ҳисоботлари ҳар чоракда эшитилди. Жамият ижро этувчи орган томонидан ҳар чоракда берилган ҳисоботларда мавжуд

бўлган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ундириш ишларини жадаллаштириш ва бундай қарзларни пайдо бўлишига йўл қўймаслик, даромадлар ва ҳаражатлар сметасида белгиланган ҳаражатлардан ортиқ ҳаражатга йўл қўймаслик ҳамда айрим бажарилмаган курсаткичларга, дебитор қарздорлигининг ошишига йил давомида қўйилган камчиликларга танкидий куз қараб уларни 2024 йилда барча камчиликларни тўғрилаб, барча курсаткичларни ортиғи билан бажариши бўйича курсатмалар берди ва ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган фармонлар, фармойишлар ва буйруқларни ўз вақтида бажарилиши юзасидан тавсиялар бериб борилди. Шунингдек, ўз навбатида Кузатув кенгаши мажлисларида қабул қилинган қарорларни ижроси, назорати ва бажарилиши ижроия орган директоридан талаб этилди. Акциядорлик жамиятлари қонунига асосан жамиятнинг 2024 йилга мўлжалланган бизнес – режаси 2023 йил 30 ноябрида Кузатув кенгаши мажлисида дастлабки тарзда маъқулланди, тасдиқлаш учун 2024 йил 8 апрелдаги акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилди. Жамият ижроия органи томонидан барча ҳужжатлар ҳеч қандай тўсиқларсиз Кузатув кенгашига бериб борилди. 2023 йил мобайнида "Сирғали деҳқон бозори" АЖ Кузатув кенгаши акциядорлик жамиятлари қонун ва жамият низомига мувофиқ ваколати доирасидаги масалаларни Кузатув кенгаши мажлисида кўриб чиқилганлиги тўғрисида умумий мажлис қатнашчиларини таништириб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни аудиторлик ташкилоти ходими маълум сабабларга келмаганлиги учун жамият бош ҳисобчиси В.Т.Норкулов ҳисобот берди.

В.Т.Норкулов сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан Х.К шаклидаги “EXPERT-AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан 2023 йил молиявий – хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви ҳаққоний, қонунчиликка асосан ўтказилганлигини айтиб, жамият аудитори томонидан 2024 йил 03 апрелдаги ижобий ҳулоса берилганлигини айтиб ўтди. Акциядорлар ўз фикрларини бериб маъқуллашди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **учинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни жамият бош муҳосиби В.Т.Норкуловга берди.

Жамият бош муҳосиби В.Т.Норкулов сўзга чиқиб, жамиятни 2023 йил молиявий – хўжалик ҳисоботи (баланс) бўйича тўлиқ таништириб ўтди.

“Сирғали деҳқон бозори” акциядорлик жамиятининг 2024 йил 1 январ ҳолатига бухгалтерия баланси.

(минг сўмда)

АКТИВ		ПАССИВ	
Асосий воситалар	1 222 212.0	Устав капитали	650 000.0
Узок муддатли инвестициялар жами	482 690.0	Резерв капитали	24 342.0.0
Товар моддий захиралари	10 563.0	0	0
Узок муддатли дебиторлик қарзлар	0	Тақсимланмаган соф фойда	1 289 011.0
Дебиторлар	417 842.0	Мақсадли тушумлар	0
Пул маблағлари	244 684.0	Кредиторлар	428 244.0
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари	6 803.0		0
Қисқа муддатли инвестициялар	0		0
Жами	2 391 597.0	Жами	2 391 597.0
		Соф фойда	656 629.0

Молиявий натижалари: 1..Маҳсулот (товар,иш ва хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум 3 818 319.0 минг сўм.

2.Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси 821 417.0 минг сўм.

3. Фойда солиғи 164 842,0 минг сўм.

4. Ҳисобот даврининг соф фойдаси 656 629,0 минг сўм.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни жамият бош мухосиби В.Т.Норкулов сўзга чикиб, 2023 йил якуни бўйича жамият даромадлар ва харажатлар сметасига асосан ҳамда жамият ташқи аудитори “EXPERT-AUDIT” Х.К томонидан берилган ижобий аудиторлик хулосасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланс кўрсаткичларига мувофик, 2023 йил якуни бўйича олинган 656 629 000 сўм соф фойдасини қуйидагича тақсимланишини таклиф қилди:

- Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли қонуни 12-бандида “Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2024 йилнинг 1 июлига қадар 2023 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2024 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади. Шунингдек, устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган олтин казиб олувчи корхоналар 2023 ва 2024 йиллардаги соф фойдасининг 100 фоизини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига дивидендлар тарзида ўтказиши” деб белгилаб қўйилганидан келиб чиқиб, соф фойдани 50% қисмини яъни, 328 314 500 сўмни акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтириш;

- жамиятнинг захира жамғармаси 16415725 сўм;

- Ўзбекистон Республикаси “Солиқ кодекси”нинг 41 моддаси (41.4) ва Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 48-моддаси (48.3.) талабларидан келиб чиқиб, акциядорларга дивиденд беришга, яъни капитализация йўли билан жамият устав фондини қўшимча акциялар чиқариш йўли билан оширишга 311 898 775 сўм.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **бешинчи масала** бўйича сўзни жамият директори жамият директори в.б Э.А.Файзиев 2024 йил учун тайёрланган «БИЗНЕС РЕЖА» ва “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” билан йиғилганларни таништирди, бизнес режа кўрсаткичлари бугунги кунда амалда бўлган Тошкент шаҳар ҳокимининг 2024 йил 26 мартдаги 198-14-0-Қ/24-сонли «Тошкент шаҳаридаги бозорлар ва савдо кўмплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқиб, ишлаб чиқилганлигини айтди ва “БИЗНЕС РЕЖА” жамиятнинг 2024 йилда амалга ошириладиган ишлари, жамиятнинг молиявий нуфузини янада ошириш ва йил якуни бўйича дивидендлар салоҳиятини ошириш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва қўшимча даромадлар манбаини ошириш бўйича жамият режасига 2023 йилда киритилиб амалга оширилмай қолган (сабаби жамият К-2 бўлган,) яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.05.2018 йилдаги №370-сонли қарорига асосан “Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаш ишчи органнинг 07.10.2019 йилдаги 31-2094/А-сонли, 05.06.2020 йилдагига № 31-1160/А-сонли хулосаларига асосан ва 2022 йил 20 апрелдаги “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги № 200-сонли қарори асосида режалаштирилган гушт корпуси (мол, қўй товуқ гуштлари ва сут маҳсулотлари) балиқ ва бошқа маҳсулотларга мулжалланган енгил типдаги савдо дуконларни тегишли органлардан рухсатномалар олиб амалдаги қонунларга, меъёрий ҳужжатларга асосан қурилиш ва таъмирлаш ишларини инвесторларни жалб этган ҳолда амалга оширилишни, Қуйлик -5 мавзеси шаҳобчада санитария гигиена қоидаларига риоя этиладиган ҳолда гушт маҳсулотлари учун енгил типдаги савдо дуконлари қуриш ва яъни қўшимча

манбаалар топиб даромад манбаиларини ошириш йўллари топиш кўрсатилганлигини билдирди. (Юкорида рухсатномалар амалдаги қонунларга асосан олинган лекин 2022-2023 йилларда жамиятнинг К-2 бўлганлиги ва бошқа қарздорлиги мавжуд бўлганлиги учун қурилиш ишлари амалга ошрилмаб қолган.)

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги **олтинчи** масала бўйича йиғилиш раиси Ш.Ш.Шамансуров чиқиб куйидагиларни айтиб ўтди:

- 2023 йил 06 сентябр куни ўтказилган жамият Кузатув кенгаши йиғилиш қарорига мувофиқ жамият директори в.б этиб Файзиев Эркинжон Абдураззакович тайинланган, шу давр мобайнида у ўзининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги, талабчанлиги ва ҳушмуомалалиги билан жамоа ўртасида ҳурматга эга бўлди. Меҳнат-технология интизомини сақланишини, ижтимоий қафолатларга риоя қилинишини ва жамият ходимлар меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлаб берди. Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаб, жамият ходимларининг билимлари, малакалари ва қобилиятларига қараб ишни ташкиллаштирди. Бозорлар фаолиятини белгиловчи, тартибга солувчи қарорлар, ҳукуматимиз ва раҳбарият томонидан қўйилаётган талабларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаб борган ҳолда, жамиятда 2023 йилда ижобий кўрсаткичларга эришишда унинг ҳиссаси катта бўлди шу сабабли Файзиев Эркинжон Абдураззакович жамият директори этиб сайлаш таклифи берилганлигини маълум қилди (2024 йил 12 мартда маъбуотга, openinfo.uz ва жамият веб-сайтига танлов бўйича эълонлар берилган).

- Бунда Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли қонуни инобатга олиниб Кузатув кенгаши томонидан жамият директорнинг меҳнат шартномаси мудатини уч йилга тузиш таклифи киритилгани айтилди;

Шунингдек, ҳар йили йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи кўриб чиқилиши ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича ҳисоботларининг даврийлигига қаралиши белгилангани маълум қилинди.

Бошқа таклифлар бўлмади. Овозга қўйилди.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **еттинчи** масалага ўтиб, 2024 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига 2023 йил 18 январдаги ЎРҚ-814-сонли қонуни билан ўзгартириш киритилганлиги, жумладан, 76-1 моддаси қўшимча қўшилганлиги, унда “акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамиятнинг, шунингдек устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак. Бунда кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар, агар жамият уставида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан, қоида тарикасида, акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилади” деб кўрсатилганлиги муносабати билан бугунги йиғилишда ҳам мустақил аъзоликка ҳам номзод кўрсатилганини айтиб ўтди.

Йиғилиш кун тартибидаги **саккизинчи** масала бўйича жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Э.Б.Кучаров сўзга чиқиб, “EXPERT-AUDIT” Х.К аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулосаси

билан таништирди (Х.К “EXPERT-AUDIT” аудиторлик ташкилотининг хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **тўққизинчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис Э.Б.Кучаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20-мартдаги ЎРҚ-531-сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан жамиятнинг 2024 йил фаолияти учун аудиторлик текширувини ўтказилиши бўйича ўрнатилган тартибда биржа савдолари орқали берилган танлов эълон натижаларига кўра қуйидаги ташкилотлардан таклифлар тушгани:

- | | |
|---|----------------|
| 1. “UNITED INVESTMENTS AND CONSULT” МЧЖ | 30 000 000 сўм |
| 2. “EXPERT-AUDIT” Х.К | 7 500 000 сўм |

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўнинчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис Э.Б.Кучаров сўзга чиқиб, мажлис катнашчиларига жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги боис янги ишлаб чиқилган ташкилий тузилма лойиҳаси билан таништириб ўтди ва тасдиқлаш таклифини бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари санок ҳайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Кун тартибидаги барча масалаларини муҳокамаси тугагандан сўнг, мажлис муҳокамасига киритилган масалаларга овоз бериш натижалари бўйича тайёрланган баённомани санок комиссия раиси Э.Б.Кучаров ўқиб эшиттириб, қуйидаги натижалар қайд этилганлигини маълум қилди:

№	Кун тартиби	«Ёклайман»		«Қаршиман»		«Бетарафман»		Овоз бермаганлар		Хақикий эмаслар	
1	Масала	621067	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
2	Масала	621067	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
3	Масала	621067	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
4	Масала	621023	99.99 %	0	0	44	0.01	0	0	0	0
5	Масала	621067	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
6	Масала	621067	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
7.1	К.Р.Расулов	621067	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
7.2	Ш.Ш.Шамансуров	621067	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
7.3	Т.С.Ибрахимов	621067	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
7.4	С.Ю.Каримов	621067	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
7.5	Н.Ч.Парманов	621067	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
8	Масала	621067	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
9	Масала	621067	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
10	Масала	621067	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0

Қарор қабул қилади.

1. «Сирғали дехқон бозори» АЖнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-

тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин (ёқлаган 621067 та овоз – 100 %, қарши йўқ , бетараф– йўқ).

2. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти Х.К шаклидаги “EXPERT-AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан 2024 йил 03 апрелдаги аудиторлик ижобий фикр хулосаси тасдиқлансин (ёқлаган 621067 та овоз – 100 %, қарши йўқ , бетараф– йўқ)

3. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин (ёқлаган 621067 та овоз – 100 %, қарши йўқ , бетараф– йўқ)

4. Жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисобварағи тасдиқлансин (ёқлаган 621067 та овоз – 99.99 %, қарши йўқ, бетараф–44 та овоз -0.01%).

4.1. Жамият ташқи аудитори “EXPERT-AUDIT” Х.К. томонидан берилган ижобий аудиторлик хулосасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланс кўрсаткичларига мувофиқ, 2023 йил якуни бўйича 656 629 000 сўм соф фойда олингани инобатга олинсин. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли қонуни 12-бандида “Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2024 йилнинг 1 июлига қадар 2023 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2024 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади. Шунингдек, устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган олтин казиб олувчи корхоналар 2023 ва 2024 йиллардаги соф фойдасининг 100 фоизини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига дивидендлар тарзида ўтказиши” деб белгилаб қўйилганидан келиб чиқиб, жамият соф фойдасининг 50% қисми яъни, 328 314 500 сўми акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтирилсин. Жамиятнинг захира жамғармасига 16 415 725 сўм ажратилсин. Қолган 311 898 775 сўм соф фойда Ўзбекистон Республикаси “Солиқ кодекси”нинг 41 моддаси (41.4) ва Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 48-моддаси (48.3.) талабларидан келиб чиқиб, акциядорларга дивиденд беришга, яъни капитализация йўли билан жамият устав фондини қўшимча акциялар чиқариш йўли билан оширишга йўналтирилсин.

5. Жамиятнинг 2024 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ, кейинчалик ўзгартириш киритиш шарти билан тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин (ёқлаган 621067 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

5.1. Жамиятнинг буш турган ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.05.2018 йилдаги №370-сонли қарорига асосан “Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаш ишчи органининг 07.10.2019 йилдаги 31-2094/А-сонли, 05.06.2020 йилдагига № 31-1160/А-сонли хулосаларига асосан ва 2022 йил 20 апрелдаги “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги № 200-сонли қарорига асосан балиқ, гушт ва бошқа маҳсулотларга мулжалланган енгил типдаги савдо дуконларини тегишли органлардан рухсатномаларни амалдаги қонунларга, меъёрий ҳужжатларга асосан қуриш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишга рухсатномалар олинганлиги инобатга олиб, инвесторларни жалб этган ҳолда амалга оширишни ва яъни қўшимча манбаалар топиб даромад манбаиларини кўпайтириш ҳамда “Бизнес-режа” параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш жамият ижроия органига юклатилсин. (ёқлаган 621067 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ). (Юқорида рухсатномалар амалдаги қонунларга асосан олинган лекин 2022-2023 йилларда жамиятнинг К-2 бўлганлиги ва бошқа қарздорлиги мавжуд бўлганлиги учун қурилиш ишлари амалга оширилмай қолган.)

6. 2024 йил 5 мартдаги жамият Кузатув Кенгаши қарорига мувофиқ жамият масъул ишчи-ҳодимларидан тузилган танлов ҳайъати томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик Жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4720-сонли Фармони ижроси

юзасидан жамият ижро этувчи орган рахбари (директор) лавозимига муносиб кадр танлаш мақсадида танлов ўтказилди. Ижро этувчи орган рахбари (директор) лавозимига нисбатан қўйилган малака талаблари кўрсатилган ҳолда рўзномага, жамият веб сайтыга, корпоратив ахборот ягона портали (openinfo.uz)га эълон берилди. Танлов 2024 йил 5 мартдан – 2024 йил 25 март кунига қадар давом этгани инобатга олинсин.

Танлов давомида Файзиев Эркинжон Абдураззоқович томонидан ижро этувчи орган рахбари лавозимига ўз номзодлиги бўйича таклифини берилгани инобатга оlinиб, Файзиев Эркинжон Абдураззоқович билан 3 йил муддатга меҳнат шартномаси тузилсин (Ўқлаган 621067 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

6.1. Белгилаб қўйилсинки, ҳар йили йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи кўриб чиқиладиган ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлигига қаралади.

7. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:

7.1 Расулов Камолиддин Раимберди ўғли жамият устав фондининг 95,53% акциядори ҳокимият вакили) 621067 - та овоз

7.2 Шамансуров Шоаббор Шамаҳкамovich жамият устав фондининг 95,53% акциядори ҳокимият вакили) 621067 - та овоз

7.3 Ибрахимов Тўлқин Собитович жамият устав фондининг 95,53 % акциядори ҳокимият вакили) 621067 - та овоз

7.4 Каримов Сардор Юлдашбаевич жамият устав фондининг 95,53 % акциядори ҳокимият вакили) 621067 - та овоз

7.5 Парманов Нодир Чинасович (мустақил аъзо) 621067 - та овоз

8. Жамият “EXPERT-AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан 2023 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви текшируви бўйича ижобий натижаси маълумот учун қабул қилинсин, келгусида курсатилган камчилик натижаларини яхшилаш бўйича зарурий чоралар кўрилсин. (Ўқлаган 621067 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

9. Жамиятнинг 2024 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб Х.К “EXPERT-AUDIT” аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 7 500 000 сўм миқдори этиб белгилансин (Ўқлаган 621067 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

10. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва қайта тасдиқлансин. ((Ўқлаган 621067 та овоз – 99,99 %, қарши йўқ, бетараф – 44 та овоз -0,01%).).

11. Мазкур йиғилиш қарори ижросини таъминлаш жамият ижроия органига юклатилсин.

Баённома имзоланган сана: « 18 » апрел 2024 йил.

Мажлис раиси

Ш.Ш.Шамансуров

Мажлис котиби

Э.Б.Кучаров

Аспид
Тўғри

